

ISSN : 3030-3974

MAKON VA ZAMON

Пространство и время
Space and time

2

2024

MAKON VA ZAMON

**ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal**

2024/2 (№2)

M u a s s i l a r: Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti» milliy tadqiqot universiteti
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahririyat: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*
M.Abdullaeva, s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O'.Abilov, p.f.d., professor
R.Choriev, p.f.d., professor Z.Ismoilova, s.f.d. – A.Ravshanov.

ISSN 3030-3974

Bosh muharrir – tahririyat rahbari:
Qiyom Nazarov - f.f.d., professor

Nashrga tayorlovchilar:
M.Tursunova, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili: Qori Niyoziy ko'chasi, 39,
Toshkent shahri, 100000,
Bichimi 60x84 Ofset qog'oz. "Times" garnituras.
Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 300 nusxa

MUNDARIJA:

Бош мухаррир минбари	Тафаккур хазинасидан: Тош битиклар - туркий битиклар	2
М.Бекмуродов	Янги Ўзбекистон: фуқароларнинг тафаккур килиш салоҳияти	6
З.Исмаилова	Янги Ўзбекистон таълим тизимида сифат ва самарадорлик – ўқитувчининг касбий маҳорати омили	10
Р.Чориев		
Ў.Абиллов	Янги Ўзбекистонда кўп миллатлилиқ ва турмуш тарзи тамойиллари	16
Н.Х.Ҳақимов	Янги Ўзбекистонда олий таълим тараққиёти	20
М.Қуронов	Миллий тарбия - ижтимоий-тарихий, қонуний ва объектив жарён сифатида	24
А.Нусеупова	Ҳангиланайотган жамият ривожда айолларнинг фаоллиги ва о'рни	29
О.Шарипова	Ҳожа Юсуф Ҳамадонийнинг антропологик ва онтологик қарашлари	33
Г.Н.Наврўзова	Баҳоуддин Нақшбанд рубойларида уйғунлиқ масаласи	37
Д.Амриддинова	Абдуқодир Шақурийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари	40
Ш.Мадаева	Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида миллий концептуал қарашлар	45
Д.Норқулов	Инсон фаолиятида вақтнинг ўрни ва роли	49
С.Ҳамраев	Янги Ўзбекистонда мулкдорлик тамойилларини ўрганишнинг фалсафий масалалари	52
Б.Х.Джалилов	Толерантлик – маънавий кадрият	56
Х.Р.Тоҳтаев	Aksiologiya қонунлари амалиётини оптимallashtirish ва демократик ислохотларни чуқурlashtirish dialektikasi	61
А.Ҳудайбердийев	Yoshlarning ma'naviy tarbiyasi va axborot madaniyatini yuksaltirish omillari	66
С.Д.Нарқулов	Янги Ўзбекистоннинг демократик тараққиёти ва этнотафаккурдаги янгиланишлар	71
А. Юлдашев	Ҳитойнинг марказий осие бўйича янги сиёсати (иқтисодий-сиёсий жихатлар)	74
Г.Нишонбоева	Маданиятшунослик мустақил фан сифатида	78
З. Тилавова	“Маданий тараққиёт динамикаси” тушунчасининг намоён бўлиш хусусиятлари	81
В.Салимов	Muhandis faoliyatida muhandislik etikasining ahamiyati	85
Н. Мажидов	Шахснинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш омиллари	89
И.Норбўтайев	«Миллий тикланиш» тушунчаси, унинг ижтимоий-фалсафий таҳлили	93
Л.Махмудов	Шахс камолотида миллат ва миллий мансублик омили	96

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОИЙЛАРИДА УЙҒУНЛИК МАСАЛАСИ**Наврўзова Гулчехра Нигматовна**Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси
профессори, фалсафа фанлари доктори**Аннотация:** Мақолада Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида уйғунлик тушунчасининг мазмун-моҳияти манбалар асосида таҳлил этилган.**Калит сўзлар:** Баҳоуддин Нақшбанд, рубоий, уйғунлик, таъсир ва акс таъсир.**Аннотация:** В статье на основе источников анализируется содержание и сущность понятия гармония в рубоиях Бахауддина Нақшбанда.**Ключевые слова:** Бахауддин Нақшбанд, рубоий, гармония, воздействие и обратное воздействие.**Abstract:** The article analyzes the content and essence of the concept of harmony in the rubies of Bahauddin Naqshband on the basis of sources.**Keywords:** Bahauddin Naqshband, ruby, harmony, impact and reverse impact.**КИРИШ**

Юртимизда пайдо бўлган тариқатлар орасида Ҳожагон-Нақшбандия таълимоти алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг тарқалиши ўз даврининг етук сўфий алломаси Ҳожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1141) номи билан боғлиқ. Юсуф Ҳамадоний мактабида илму ирфон сабоғини олган Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Ғиждувонийлар минтақада тасаввуф тараққиётининг кейинги босқичларида муҳим ўрин тутдилар ва икки мустақил тариқат: Яссавий ва Ҳожагон-Нақшбандия тариқатларига пойдевор қўйдилар.

Ҳожагон тариқати XIV асрга келиб, Баҳоуддин Нақшбанд томонидан янада такомиллаштирилди. Ҳожа Муҳаммад Порсо, Ҳожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби йирик шахсларнинг фаолияти эса Ҳожагон-Нақшбандия тариқатининг кейинги вакилларига ижобий таъсир қилди ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун туртки бўлди.

Нақшбандия асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йй.) бўлиб, бу таълимотнинг моҳияти "Дил ба ёру даст ба кор" шиорида яққол ифодасини топган. Нақшбандияга кўра, инсон Оллоҳ инояти натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Оллоҳда, қўли эса меҳнатда бўлмоғи лозим. У тасаввуфнинг барча тариқатлари сингари шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мақомларини эътироф этади.

Нақшбандия таълимотининг моҳияти: “Дил – ба ёр-у, даст – ба кор” (“Кўнгил Аллоҳда, қўл ишда бўлсин”), – шиорида ўз ифодасини топиши билан бирга, яна ўн бир қоидага асосланади. Бу қоидалар “рашҳалар”, яъни “томчилар” деб юритилган. Рашҳалар Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд тарафларидан таъйин этилган.

Жамият аъзоларининг аҳил, тинч-тотув, мурсою мадорадали муносабатда бўлиши фаровон ва бахтли яшашнинг асосидир. Жамиятда аҳилликни таъминлашнинг асосларидан бири уйғунлик масаласидир. Тасаввуф фалсафаси таъсир ва акс таъсир ҳамда бутун олам тортишуви қонунларини фақат моддий нарсаларга эмас, балки маънавий, руҳий томонларга ҳам тааллуқли эканлигини асослаган. Ижобий қувватлар ижобийликни, салбий қувватлар салбийликни тортишини асослаб берганлар. Бу масалани англаган инсон

ижобий яшаши учун ижобий ният, фикр ва амал қилади. Тасаввуф таълимотидаги бу ғояни тарғиб этиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Уйғунлик масаласи тасаввуфнинг Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотида махсус ўрганилган. Нақшбандия таълимотига оид манбалар, монография ва тадқиқотларда бу масалага эътибор қаратилган. Илмий изланишларимиз натижасида Баҳоуддин Нақшбанд рубоийлари жамланган асарни топдик. Манбадаги Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийларини таҳлил этдик. Рубоийларида уйғунлик масаласини ёритганлигини гувоҳи бўлдик. Бу рубоийларни герменевтик услуб асосида ўрганиб таҳлил этдик.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Уйғунлик масаласи ёритилган рубоийлар “Рубоийети Хожа Нақшбанд” асарида жамланган. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубоийлари араб графикаси форс тилида ёзилган. Уларни кирилл графикасига ўгириб, мазмун-моҳиятини фалсафий таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Қуйида 61-рақамли рубоийни диққатингизга ҳавола этамиз:

آن كس كه بگفت نيكو خود نيكوست
وآن كسى كه بدم گفت بدى سيرت اوست
حال متكلم ز گلامش پيدااست
از كوزه همان برآيد كاندر اوست

Он кас ки бигуфт некӯ, худ некӯст,
В-он касе, ки бадам гуфт, бадӣ сирати ўст.
Ҳоли мутакаллим зи каломаш пайдост,
Аз кӯза ҳамон барояд, ки андар ўст. [1:102]

Мазмуни:

Ҳар кимки яхши сўз айтса, унинг ўзи яхшидир,
Ким ёмон гапирса, ёмонлик унинг сийратидир.
Мутакаллимни ҳоли каломидан маълумдир,
Кўзанинг ичида нима бўлса, ўша нарса чиқадир.

Рубоийнинг мазмунидан маълум бўладики, инсоннинг ботини зоҳирига уйғун таъсир этади. Яхши инсондан яхши сўзлар ва амаллар чиқади. Ёмон сийратли кишидан ёмон сўз намоён бўлади. Мутакаллим, яъни калом эгаси, сўз айтувчи кишининг ҳоли қандай бўлса каломлари ҳам шунга уйғун бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд инсондаги бу уйғунликни ифодалаш учун кўза билан уни қиёслайди. Кўзанинг ичида нима бўлса ўша чиқади: сув бўлса сув, тупроқ бўлса тупроқ. Демак, инсон қанча эзгу бўлса шунча ижобий қувватлар нур, файз, эзгу сўз ва амали бўлиб атрофни мунаввар қилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг манбадаги 73-рақамли рубоийсида уйғунлик қуйидагича ёритилган:

عاشق همه دم فكر دوست كند
معشوق كرشمه كه نيكوست كند
ما جرم و گنه كنيم و او لطف كرم
هر كس چيزى كه لايق اوست كند

Ошиқ ҳама дам фикри дӯст кунад,
Маъшуқ карашма, ки некӯст кунад.
Мо чурму гунаҳ кунему, Ў лутфу карам,
Ҳар кас чизе, ки лоиқи ўст кунад. [1:115]

Мазмуни:

Ошиқ ҳамма дамда дӯстнинг фикрини қилади,

Маъшук яхшилик карашмаларини қилади.
Биз журму гуноҳ қиламизу, У лутфу карам,
Ҳар кимга нима лойиқ бўлса ўшани қилади.

Рубоийда ишқ йўлидаги ошиқ ва маъшук бир-бирларига нисбатан меҳр-муҳаббат ила муносабатта бўлишини кўрсатган. Банда гунаҳкордир. Аммо Оллоҳ ўзига хос бўлган лутфу карам билан бандага раҳмат назари билан қарайди ва унинг гуноҳларини кечиради. Маълум бўладики, борлиқдаги ҳар бир нарса ўзига хос бўлган сифатга уйғун таъсир қилади.

Манбада 81-рақамли рубоийда уйғунлик масаласи қуйидагича ёритилган.

تا روى تو ديدہ ام من اى شمع طراز
نه کار کنم نه روزه دارم نه نماز
چون بى تو بود منماز من جمله فجر
چون با تو بودم فجر من جمله نماز

То рӯи Ту дидаам ман, эй шамъи Тироз,
На кор қунам, на рӯза дорам, на намоз.
Чун бе Ту будам намози ман чумла фичор,
Чун бо Ту будам фичори ман чумла намоз. [1:123]

Мазмуни:

Сенинг юзингни кўрдим, эй шамъи Тироз,
На ишлагим келади, на рӯза тутамам, на намоз.
Сенсиз бўлсам менинг барча намозларим мажоз,
Сен билан бўлсам барча фижорим намоз.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубоийси Яқуби Чархийнинг “Рисолаи русия” асарида ҳам келтирилган. Рубоийдан маълум бўладики, инсон Оллоҳни таниса барча амаллари ибодат бўлади. Аммо Оллоҳни танимаса амалларининг ҳаммаси риё бўлади. Демак инсон амаллари ботинидаги қалб ҳолатига уйғундир.

ХУЛОСА

Юқоридаги рубоийларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Борлиқдаги барча моддий ва маънавий нарсалар ўз миқдори, сифати, меъёрига уйғун таъсир этади.
2. Ижобий қувватли нарса-ҳодиса ва инсонлар ижобий майдонни ҳосил қилади.
3. Салбий қувватли нарсалардан салбий муҳит ҳосил бўлади.
4. Уйғунлик масаласини ёш авлодга ўргатиш жамиятда ижобий муҳитни ятатишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليكيشنز ۱۹۹۸ ۱۸۴ صحيفه
2. Баҳоуддин Нақшбанд. Рубоийлар. Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2023 – 84 б.
3. Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. Т.: “Sano standart” нашриёти, 2019. 256 б.
4. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.
5. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Ҳазрати Нақшбанд рубоийлари. Тошкент: “Тошкент ислом университети” – нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2009. 20 б.